ҲАЖВИЙ АСАРЛАРДАГИ ОККАЗИОНАЛ ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

Дилрабо Анданиёзова

Аннотация: *Ушбу мақолада бадиий матндаги, хусусан, ҳажвий асарлардаги окказионал номларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, матнни шакллантиришдаги ўрни ёритилган.*

Калит сўзлар: *бадиий матн, ономастик бирликлар, окказионал ономастик бирликлар, комик эффект, лингвопоэтика.*

Окказионал номлар, одатий, исмлар фондида мавжуд кенг тарқалган номларга қараганда экспрессивликка, ҳиссий юкка тўйинган, ижодкор томонидан муайян мақсадда яратилган тўқима номлардир. Уларнинг ўзига хослиги шундаки, бундай индивидуал номлар муайян контекстга хизмат қилиб, улар тилда мустаҳкам ўрнашиб олишни талаб қилмайди, асосан, бадиий матнда ижодкорнинг турли бадиий ниятини ёритишга хизмат қилади. Умуман, окказионал номнинг шаклланиши мавжуд реал номларнингмуайян қолипларига мувофиқ амалга оширилади.

Одатдаги номларга қараганда, тўқима номлар аташ, номлаш учунгина қўлланилмай, балки характерлаш, экспрессивлик каби категорияларни ҳам ўз ичига олади. Маҳоратли ижодкорлар, нафақат, тилимиздаги мавжуд номлардан, балки ўзларининг бадиий тафаккури маҳсули орқали яратган “шартли” тўқима номлардан бадиий матн таъсирчанлигини оширишда муҳим воситалардан бири сифатида фойдаланадилар ҳамда айтмоқчи бўлган фикрларининг бадиий юкини шу “сўзловчи” номларга юклайдилар. Шу сабабли бадиий матнда реал номлар билан бирга тўқима номларнинг учраши ўқувчига бадиий завқ беради.

Таъкидлаш керакки, бадиий матндаги ономастик бирликларнинг алоҳида мақсадлар билан қўлланиши кеча ёки бугун пайдо бўлган ҳодиса эмас. Антик адабиёт намуналарида ҳам ономастик бирликлардан турли мақсадларда фойдаланилганлигини тилшунослар қайд этишган. Тилшунос А.А.Фомин антик адабиётда ҳам номларнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини, фақат тил нуқтаи назаридан эмас, балки бадиият жиҳатидан ҳам диққатга молик восита сифатида қаралганини шу шаклда таъкидлайди: “Ҳар ҳолда, антик адабиёт давридаёқ атоқли отлар муҳим аҳамият касб эта бошлаган эди. Улар лингвистик муаммолар қаторида ўрганилиш баробарида ҳатто ҳозирги адабий онимлар бадииятига алоқадор бир қатор масалалар ҳам ҳал қилинган эди. Масалан, Горацио учун атоқли от ғоят муҳим тасвирий восита ҳисобланган. Объектни номлашда унинг характеристик белгиларини нечоғли ифода этишига эътибор қаратган” [1]. А.А.Фомин бу ўринда Горационинг сатирик асарида муайян мақсад билан қўлланилган *Novius* (*Янги*) исмини мисол келтиради.

Бадиий матнларида учрайдиган окказионал номлар ҳам ўзига хос бўлиб, уларни тадқиқ этиш ижодкорнинг индивидуал услубини ўрганишга ёрдам беради. Кейинги йилларда дунё тилшунослигида бу борада бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунда, асосан, окказионал антропонимлар, окказионал топонимларнинг услубий вазифаларига диққат қаратилганини кузатдик. [2]. Ўзбек тилшунослигида окказионал номларнинг хусусиятлари ёритилган айрим мақолалалар мавжуд. Жумладан Р.Қўнғуров ва Р.Мўминоваларнинг ўзбек бадиий адабиётида ва сатирик журналларда қўлланган антропонимларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган мақоласида окказионал антропонимлар асар бадииятини, таъсир кучини орттиришга хизмат қилиши айтилади. Муаллифлар *Олғирбой, Ғийбатулла, Тепки, Елпиғичхон* каби сатирик қаҳрамонларнинг исми билан боғлиқ фикрларини ономастик стилистика тамойиллари асосида изоҳлаганлар [3].

Тадқиқотларда окказионал номларни ҳосил қилишнинг энг фаол усули сифатида антропоиндикаторлардан фойдаланиб турли тўқима номлар ҳосил қилиниши айтилади [4]. Масалан, бу усул билан ҳосил қилинган тўқима номга С.Айнийнинг “Қуллар” романидаги *Шошмақул* поэтонимини мисол қилиш мумкин. Тилшунос Э.Қиличев бу ҳақда шундай ёзади: “Ёзувчи баъзи персонажларга уларнинг характеридан келиб чиқиб ном берган. Яъни исм персонаж характерини изоҳлаб туради. Жумладан, “Қуллар” романида доимо “Мен как партийний” деб бошқаларга гап бермайдиган, маҳмадана, ҳар қандай ишга юзаки, шошма-шошарлик билан қарайдиган бир персонажнинг номи *Шошмақулдир.* Унинг номи характерига мос бўлиб тушган” [5]. Ушбу мақолада романдаги окказионал антропонимларнинг қандай ҳосил қилингани таҳлил қилинган. С.Айний қўллаган антропонимларнинг аҳамияти ва уларнинг бадиий жиҳатдан ўзига хослиги таъкидланган.

Таъкидлаш керакки, ижодкор томонидан махсус яратилган индивидуал номлар ҳажвий ва юмористик асарларда жуда кўплаб учрайди ҳамда комик эффектни юзага келтиришдаги муҳим воситалардан бўлади. Масалан, Т.Маликнинг “Тилла каламуш” ёхуд Йўққулобод ҳангомалари” номли китобидан ҳажвий қисса ва ҳикоялар ўрин олган бўлиб, унда жамиятдаги, одамлар табиатидаги баъзи “фазилатлар” юмористик усулда ифодаланган. Асарнинг ономастик кўлами ҳам шунга уйғун ҳолда комик эффектни ҳосил қилувчи мақсадли қўлланган номлардан ташкил топган. Яъни жойлар ва кишиларни номлашда *Жанжалқишлоқ, Йўққулобод, Арбобхоним, Йўғонбек, Маънижон, Фалонулла Писмадонхўжаев, Думбултой, Баллиқул, Жазқул, Ҳолсизова, Юмалабтортаров, Войқул, Бевошқул бобо, Ўнгқулобод, Чапқулобод* каби тўқима номлардан фойдаланган. Демак, ҳажвий асарлар ономастик кўламида исм, лақаб, фамилия ёки тахаллуслар, ҳатто жой номларининг, асосан, комик эффект ҳосил қилиши асосий ўринга чиқади. Бунда қаҳрамоннинг исми (лақаби, фамилияси ёки тахаллуси)даги комизмдан асарнинг бутунига оид бадиий кулгу осонгина фаҳмланадиган бўлади. Ёзувчининг бадиий нияти қаҳрамонлар исмига илк маротаба кўз югуртилганда ёки эшитилгандаёқ илғанадиган бўлади.

Бадиий матнда комик эффектни юзага келтирувчи тўқима фамилиялар ҳам учрайди. Масалан, “Муштум” журналидаги ҳажвий асарларда келтирилган *Ебтўймасов, Юмшоқбоев, Ҳарқачонпиёнов, Тўймас Қўзиев* каби номлар жамиятдаги айрим иллатларни ёритишда қўлланган. Шунингдек, бундай номларда маълум бир тагмаъноларга ишора қилинганлиги кузатилади.

Б.Жуманиёзовнинг “Тўн” ҳажвиясида қўлланган тўқима фамилия орқали ҳам шундай бадиий ният мақсад қилинган. Ном денотатига зид қўллангани билан лингвопоэтик қимматга эга бўлган. Яъни шундай фамилиядаги қаҳрамон қўл остидаги ходимларига ўзини ғамхўрдек кўрсатмоқчи бўлади-ю, аслида ғамхўрлик амалда эмас, балки номига кўрсатилади. Бу ўринда нерсонаж- ном-антиномияси ҳосил бўлган. *Олтмиш ёшга кириб, юбилей тараддуди билан юрган пайтимда бошлиғимиз* ***Ғамхўров*** *йўқлаб қолдилар: - Қаёқларда юрибсиз? – деди ўтиришга ишора қилиб. – Йўқлаганимнинг боиси муборак кунингизни нишонлаш учун ташкилий қўмита туздик. Ахир қирқ йиллик қадрдонимизсиз-а. Кимсан таниқли шоир Жўқи бўлсангиз. Ғамхўров жуда яхши одам. Оққўнгил. Аммо сал лаганбардорроқ. Хўжайин олдида эгилса борми, белида суяги борми, йўқми, дейсиз* (Б.Жуманиёзовнинг “Тўн”).

Таъкидлаш керакки, лақабларнинг бадиий матндаги лингвопоэтик вазифаларидан бири бу комик эффектни ҳосил қилишидир. Бунда ижодкор субъектив муносабатини кучли сарказм орқали ёки аксинча ифодалаши мумкин.

Саид Аҳмаднинг ўзига хос ҳажвий ном танлаш маҳорати бор. У номдан образнинг қизиқ бир табиатини очишда фойдаланади ва қаҳрамонларнинг муайян бир хислатига ишора қилувчи ҳажвий номлар ижод қилади. Ёзувчи қўллаган антропонимлар асар қаҳрамонларини у ёки бу томондан тавсифлаш, уларга хос айрим белги-хусусиятларни ифодалаш, китобхон ҳиссиётига таъсир қилишда муҳим лингвопоэтик восита бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, қаҳрамонга ном танланишида ёзувчининг хоҳиши билан боғлиқ бўлган услубий мазмун ётади. Мисол сифатида **Ёғоч полвон** (кураш тушишда ҳеч ким бу полвоннинг белини буколмагани учун унга шундай лақаб берилган, «гавдаси ҳам ёғочдай чайир» деб таърифланган), **Тўппонча полвон** (ҳар бир ишни зумда бажарадиган, чапдаст қаҳрамон), **Ўрик домла** (суҳбатдошига фақат ўрик мавзусида гапирадиган қаҳрамон, ёзувчининг ўзи таъкидлашича, ҳаётда шундай инсонни кўрган), **Хира почча** (аёлларга ўч қаҳрамон), **Умарали паратка, Чўтир мироб, Сув тўра, Тўлан мўйлов, Жиноят оқсоқол** каби бошқа кўплаб қаҳрамонларнинг номини айтиш мумкин. Бундай номлар, одатда, юморни юзага келтиради ва қаҳрамоннинг муайян характерини ёритишда ижодкорнинг салбий ёки ижобий муносабатини ифодалайди.

Умуман, бадиий матнда окказионал номлардан қуйидаги лингвопоэтик мақсадларда фойдаланилади: а) матннинг интертекстуаллигини таъминлаш; б) комик эффект ҳосил қилиш; в) салбий ёки ижобий баҳони экспрессив ифодалаш; г) кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаш; д) турли маънодаги мурожаатни ифодалаш.

Бадиий матндаги окказионал номлар бадиий ифода имкониятларига кўлам бағишлайдиган, матннинг эстетик таъсир қувватини оширадиган восита бўлиб, улар, лингвопоэтик тадқиқотлар учун яхши материал бера олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Фомин А.А. Литературная ономастика в России: Итоги и перспективы // Вопросы ономастики. № 1. Екатеринбург: Издательство Уральского университета. 2004. – С.108-120.

2. Пулина Е. А. Окказиональные имена собственные в романе Дж. Джойса «Улисс» и их межъязыковая передача // Пермский государственный фармацевтический вестник. 2007. No3. С. 195–198; Яковенко Н. С. О некоторых особенностях окказиональных антропонимов в английских романах В. В. Набокова // МНКО. 2011. No2 С. 48–50; Астафьев А.Ю. Художественные функции окказионализмов. Дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2007. 177 с.

3. Кунгуров Р., Муминов Р. Собственные имена в языке художественной литературы / Ономастика Узбекистана. Ташкент, 1989. С. 124–125.

4. Бабенко Н. Г. Окказиональное в художественном тексте. Структурно-семантический анализ: учебное пособие. Калининград, 1997. 84 с.; Несветайло Ю. Н. Неологизмы и окказионализмы как конституенты лексического макрополя современного английского языка: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ростов н/Д, 2010. 26 с.

5. Қиличев Э. Айний асарларидаги антропонимларнинг стилистик хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 4. – Б.22-29.

6. Романов Д.А. Основы лингвистической стилистики и лингвистической поэтики: Учеб.-метод. пособие [Электронный ресурс]. – Тула: Тул. гос. пед. ун-т им. Л. Н. Толстого, 2021. 92 с.

7. Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX в., их функции и словообразование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1956; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967; Колоколова Л.И. Ономастика в художественной речи А.П.Чехова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1970; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И. Зинин, А.Г. Степанов // Антропонимика. – М., 1970. – С. 330–355.

8. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009.